



ЖАМИЯТ

№ 33-34 (669)
2019 йил
30 август,
Жума

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ижтимоий-сиёсий газета 2016 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru



Инсонийликни тараннун этувчи фестивал

«Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон...»

«Жиззах деганда, аввало, Зарафшон воҳасида жойлашган, ўзининг гўзал ва баатар табиасти, қадимий тарихи, сереиқор тоғлари, сепоён дашту далалари, энг муҳими, оқкўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлари билан ўзига мафтун этадиган бир диёр кўз ўнгимизда намён бўлади.

Бу заминдаги Зомин миллий боғи, Бахмал, Жиззах ва Фориш тоғларидаги ям-яшил арчазорлар, сой ва булоқлар, Арнасой, Айдаркўл, Тузкон кўллари атрофидаги табиат мўъжизаларини тасвирлаш учун одам, албатта, ё зўр шоир, ё зўр рассом бўлиши керак!»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Арнасойликларнинг кўнглида сурур

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказиш учун Республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан навбатдаги сафаримиз атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон «Битилмаган дostonдир бори» дея атаган, гўзал Жиззах вилоятида бўлди.

Дастлаб вилоят Маданият бошқармаси мутахассиси ҳамроҳлигида вилоятнинг Арнасой туманидаги «Дўстлик» ва «Гулбахор» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашдик. Арнасойнинг чапани, соддадил, меҳридарё ва меҳмондўст халқининг бутунидан бахтиёр, эртасидан хотиржамлиги шундоққина юз-кўзидан, самимий дил сўзларидан аён.

Учрашув жараёнида маҳалла фаоллари орасида адабиёт ва санъатга меҳр кўйган инсонлар кўплигини кўриб, қувондик. Хусусан, Тошқиз опа ўқиган «Сизга нима бўлди, одамлар» шеъридаги дардчил мисралар ҳар қандай кишини тўлқинлантириб юборди. Чин инсоний фазилатлар ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди.

Шу кунни туманнинг «Бобур» ва «Ғафур Ғулом» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли билан ҳам худди шундай учрашувлар ўтказдик. Аҳоли билан учрашар эканмиз, туман аҳли тўйга тўёна легандек, энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини улкан зафарлар билан кутиб олишга тганига гувоҳ бўлдик. Бу йил арнасойликлар табиат инжиқликларига қарамай, давлатга ғалла топишириш режасини ортиги билан бажариб, айни

пайтда пахтадан мўл-кўл ҳосил олиш учун далада жавлон ураётганини кўриб, уларнинг меҳнати, сабр-мадонатига тасаннолар айтдик.

Истиқлолнинг иқболи баланд ёшлари

Эртаси кунни Жиззах педагогика институти ўқитувчилари — Элмурод Насруллаев, Отабек Хидиров ҳамда таниқли хонанда Акмал Исроиловлар билан бирга Пахтакор тумандаги 31-сонли ихтисослашган давлат умумтаълим

тарғиб қилиш ҳақида суҳбат ўтказилди. Мактаб кутубхонаси учун китоблар совға қилинди.

Фурсатдан фойдаланиб, мактаб директори Ҳаётхон Бўроновдан ўқувчилар эришга тган ютуқлар ҳақида сўрадик. Суҳбатдошимиз мактаб ўқувчилари бу йил «Энг яхши китобхон» ва «Маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритганини айтди. Шунингдек, Суҳробжон Латипов инновацион технологиялар бўйича олимпиаданинг Республика босқичида фаол иштирок этиб, фахрли ўринни, Дилшола Ҳалилова «Билимлар беллашуви»нинг Республика босқичида рус тили фанидан биринчи ўринни, Мухтасар Усубжнова «Президент асарлари» кўрик-танловида иккинчи ўринни, Шаҳноза Кароматова эса «Зулфияxonим қизлари» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаганини эшитиб, бу масканда истеълодли ва иқтидорли болалар кўплигидан қувондик.

Тумандаги 9-сонли мактаб ўқувчилари истеълод ва иқтидор бобида бошқа мактаблардан асло қолишмайди. Мазкур мактабнинг 7-синф ўқувчиси Севинч Мирзакаримова ҳамда 6-синф ўқувчиси Шаҳзода Холмухамедова «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танло-

Давоми 2-саҳифада ►►



мактабига ўтказган учрашувимиз ҳам мароқли ўтди. Дастлаб, гуруҳимиздаги педагоглар ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни

**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!**

2019 йил 28 август. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.


«Бошланиши 1-саҳифада»

вининг туман ва вилоят босқичида биринчи ўринни, Дилафруз Курбонова француз тили фан олимпиадасида вилоятда биринчи ўринни, Азиз Тўрабоева эса спортнинг дзюдо тури бўйича вилоят мусобақасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, устозларининг ишончини оқлабди. Биз юртимизда шундай умидли ёшлар борлигидан фахрландик.

Жиззах ёшлари юртимиз довуғини дунёга танитишда тумандаги 3-мактаб ўқувчилари ҳам илгор. Хусусан, туманда ўтказилган фан олимпиадасида фаол иштирок этган 11-синф ўқувчилари — Дилдора Равшанова немис тили, Мадина Олтишова эса биология фанидан биринчи ўринни эгаллади. «Мен севган адиб» кўрик-танловида 9-синф ўқувчиси Севинчхон Хусанова иккинчи ўринга, «Шахмат тахтаси» Республика танловида Чинора Ахматова туманда фахрли биринчи, вилоятда иккинчи ўринга сазовор бўлибди.

Бу мактаб ўқувчиларининг спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Жумладан, Отабек Нематов Қозоғистон Республикасида ўтказилган халқаро чемпионатда, тенгдоши Санжар Сатторов бу йил вилоят очик биринчилигида, Баҳром Ўролбоев эса Андижон вилоятида ўтказилган мусобақада фахрли биринчи ўринни эгаллаб, ёруғ юз билан қайтганидан ота-она ва устозларининг қувончи чексиз.

Юрта фидо жонимиз

Тарғибот гуруҳи аъзолари Жиззах шаҳридаги Ўзбекистон Республика-



си миллий гвардиясига қарашли 85689 — ҳарбий қисмда ҳам бўлди. Ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, майор Расулбек Эшчанов сўнгги йилларда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтиришга катта эътибор берилаётгани, жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус тизимда кенг жорий этилаётгани ҳақида айтди. Бу муҳим ҳужжатлар ижроси доирасида яқинда ҳарбий қисм кутубхонаси учун жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, ҳарбий мавзудаги адабиётлар билан бойитилганини кўриб, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинчлиги жисмонан ва маънан етук ўғлонлар қўлида эканига яна бир бора инондик.

Кейинги манзилимиз Жиззах шаҳридаги 29-сонли Меҳрибонлик уйи бўлди. Дарвозадан киришингиз биланоқ, бу ердаги ободлик, орасталиқдан диллар яйрайди.

Қалдирғочдек тизилиб турган болажонлар бизни «Ассалому алайкум, хуш келибсиз!» — деган қувноқ ва ёқимли каломи ила кутиб олишди. Учрашув давомида Меҳрибонлик уйи директори Норкул Тагаев билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, бу ерда тарбияланаётган болажонларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қалбларини китобга ошно этиш мақсадида маънавий-маърифий талбирлар тез-тез ўтказилар экан.

Жиззах вилоятида бўлган сафаримиз давомида шу нарсага амин бўлдики, вилоят аҳли муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусга амалдаги ишлари билан «лаббай» деб жавоб бериб, энг улуг, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳда ўтказишга шай. Пойтахтга қайтар эканмиз, биз чўлда бўстон яратган бу бағрикенг ва сабр-матонатли халққа тасаннолар айтдик.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови ғолиби

Бағрикенглик

кенглик халқимизга хос фазилат.

Кунни кеча Давлатимиз раҳбарининг кутилган «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига пушаймон бўлган ва тузилиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Фармонга мувофиқ 65 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг барчаси содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига қатъий ўтган шахслардир.

Кези келганда қайд этиш керакки, сўнгги уч йилда юртимизда 7 марта афв эълон қилиниб, 3 минг 952 нафар шахс афв этилди. Бу халқимизга хос инсонпарварлик, олижанобликдек фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Афв этилган шахсларнинг 17 нафари жазодан тўлиқ озод қилинди, 13 нафари жазони шартли равишда озод қилинди, 20 нафарига эса тайинланган жазо энгилроғи билан алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, 50 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жойларидан ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилди.

Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати қисқартирилди ва 1 нафар шахс озодликни чеклаш жазосидан озод қилинди.

Афв этилганларнинг 4 нафарини аёллар, 1 нафарини 60 ёшдан ошган шахс, 1 нафарини чет эл фуқароси, шунингдек, 39 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этди.

Маъмур фармоннинг имзоланиши билан тегишли ташкилотлар унинг ижросига ҳам киришди. Ўтган қисқа вақтда афв этилганларнинг барчаси жазони ижро этиш муассасаларидан чиқарилди. Улар бирин-кетин оиласи бағрига қайтмоқда.

Шу билан бирга фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга қўмаклашиш юзасидан маъсۇл вазирилик ва идоралар ҳамда ҳокимликларга берилган топшириқларни бажаришга ҳам киришилди.

Баҳринисо МАДУМАРОВА,
«Жамият» муҳбири

«Кўз ўнгимда уч нафар норасидаларим гавдаланарди...»


Ватанга хиёнат. Бу сўзни эшитишнинг ўзиёқ юракларига оғриқ солади. Вужудни титратиб юборади. Бўғзингизга нимадир тикилгандек бўлади. Қалбда алланечук туйғулар галаён қилади. Ахир, киши ўзига, оқ сут берган онасига, қўлига нон тугтан отасига, уни азизу-мўътабар айлаган элига, халқига, ота-боболари амал қилган дин-эътиқодга хиёнат қилиши мумкинми?

Азим Қосимовнинг дўстлари орасида диндорлари кўп эди. Уларни айтган жойларига автомашинасида олиб бориб қўйиш асносида ўзи ҳам дин қондаларини мукамалроқ ўрганишга бел боғлайди. Аммо унинг дўстлари асл динни эмас, балки диний-экстремистик гоёларга йўғрилган қарашларни адабиётларда акс эттириш ва бу гоёларни одамларга синдиришдек ғараз мақсадни кўзлаганди. Азим Қосимов эса уларнинг бу ниятларини билмаган эди. Аммо барибир, жинойи тўдага қўшилган учун айбдор, деб топилган.

Ёш оиланинг тоғдек таянчи, бошлиғи аёли, уч нафар вояга етмаган гўдагини ёлғиз қолдириб кетишнинг ўзи оғир. Нафақат иқтисодий таъминот, балки ота меҳри, масъулият ҳисси ҳам бу хонадондан узоқ йилларга узилди. Ору-умидлар саробга айланди. Муқаллас кўрғоннинг қалъаларига аччиқ изтироб ва аламлар инди. Бу захматларга дош беришнинг ўзи бўлмади. Ачинарлиси, ҳар тун отасини интиқ кутган болалар кунларни ойга, ойларни йилларга улади. Уларнинг ягона умиди, ўтинчи Президентимизнинг афви эди. Оталари бир кун бўлса ҳам эртароқ келишига ишониларди. Ниҳоят, йиллар давомида қилинган дуолар ижобат бўлиб, орулар амалга ошди. Ота дийдори, меҳри уларни бе-

насиб этмади. Ўн йилдан сўнг бу хонадонда яна умид, бахт учқуни алангалади.

— Ҳар сафар афв эълон қилинишини кўплаб маҳкумлар қатори мен ҳам ўзгача ҳаяжон ва умид билан кутардим, — дейди у. — Кечирим сўраб ёзган аризм



Президентимизга етиб борганмикин, деган ўйда юрардим. Кутилмаганда афв этилганимни эшитгач, хурсандлигимдан ўзимга сизгадим. Кўз ўнгимда уч нафар норасида болаларим гавдаланди. Эрақк учун 10 йил айрилиқ зах-

мини тортишнинг ўзи азоб. Умрнинг айнаи куч-ғайрат ва шижоатга тўлган паллаларини тўрт девор орасида, панжара ортида ўтказиш кишини ич-этини ейди. Менга ишонч билдириб, оилам бағрига қайтишга, жамиятда ўз ўрнини тиопишга яна бир қарра имкон бергани учун Президентимиздан чексиз миннатдорман. Одамзот кўпинча ҳаёт ташвишлари билан турли кўчаларга кириб қолади. Шу он меҳр-оқибат, инсоний фазилатлар ҳақида унутамиз. Аслида, биз нафақат ўз ҳаётимиз, балки яқинларимиз, оиламиз олдидаги масъулият ҳиссини асло унутмаслик керак.

Мустақилликка эришганимизга роппа-роса 28 йил бўлди. Бу давр мобайнида ҳаётимизда мислсиз ўзгаришлар, янгиланиш ва ўзгаришлар содир бўлди. Қувончлиси, биз ҳурлик, озодлик, эркин фикр нелигин англадик, унинг тафтини ҳис этдик. Ота-боболаримизнинг йиллар давомида ушалмай келган орзу-истаклари рўёбга чиқди. Мустақиллик, эрк қўши бошимизда тантана қилди. Шунинг баробарида, мустақиллик кунини арафасида ҳуқуқлари чекланган шахсларга имкон беришдек инсонпарварлик анъанаси ҳам пайдо бўлди. Ҳар йили байрам арафасида Президентимизнинг афв этишга оид фармонини кўплаб меҳрга ташна, ўксик қалблар интиқ бўлиб кутади.

Ҳаётда ҳамма хато қилади, адашади. Кимдир билиб, кимдир билмай жиноят кўчасига қадам қўяди. «Жиноятчи» деган тамга билан яқинлари, беғуноҳ дилбандларини ҳам бошини эгади. Ўзларини айбдордек ҳис этишга маҳкум. Бир кишининг айби билан унинг яқинлари ҳам жазоланиши керак эмас. Шу босис, хатосидан тўғри хулоса чиқарган кишиларни кечиринг керак. Зеро, кечиримлик ва бағри-



2019 йил 28 август. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Инсонийликни тараннум этувчи фестивалъ

Боқий ва ҳамиша навқирон Самарқандда янграётган дилтортар тароналар инсон қалбига чексиз ҳузур-ҳаловат улашади. Юракларга ҳушнудлик бахшида этади. Қўлларингиздан оҳиста тутиб, орзулар мамлакатига олиб кетгандек, гўё. Сеҳрли мусиқа оҳангига ошuftа диллар эса Регистон атрофида жам бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ташаббуси билан 1997 йилдан буён «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳар икки йилда бир марта, айнан, Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётгани бир неча минг йиллик тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши, кўҳна заминдаги қадимий буюк анъаналарнинг қайта жонланиши ва уларнинг юксак чўққиларга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу нуфузли тadbир ЮНЕСКОнинг халқаро маланий тadbирлари доирасига киритилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

«Шарқ тароналари»нинг бутун биргина Шарқингизга эмас, балки бутун жаҳон аҳлини гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишда, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини кенг бутун оммага етказишда, ёш авлодни санъатга, мусиқага меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда ўрни катта. Фестивалъ дунё халқлари ўртасида ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга, улар ўртасида маданий алоқалар доирасини кенгайтиришдек улуг мақсадларга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: «Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили, ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.»

Халқимизнинг гўзал урф-одатлари, бетакрор анъаналари қаторидан жой олиб улгурган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг мақсади — инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ҳамда анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида янада жипслаштиришдан иборат. Аслида, жаҳон халқлари ўртасида мала-

ний алоқаларни барқарорлаштириш, улар ўртасидаги тинч-тотувликни мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг роли ва аҳамияти беқиёс. Бу ғоянинг таъсирчан ифодаси, айниқса, ўзбек халқининг ўлмас қадриятлари, тинчлик, дўстлик, инсоний комиллик ҳақидаги орзу интилишларида яққол сезилади.

Этиборлиси, нуфузли анжуман иштирокчилари сони йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда ўтказилган дастлабки фестивалда 31 мамлакат вакиллари Регистон майдонида ўз санъатларини намойиш этган бўлса, 2013 йилда ташкил этилган IX фестивалда 56 давлат мусиқа ва санъат намояндalари иштирок этди. 2015 йилги X санъат байрамида эса иштирокчи давлатлар сони яна 10 тага ошди. XII халқаро мусиқа фестивалида эса 75 давлатдан 340 нафар иштирокчи қатнашмоқда.

Бу йил илк марта фестивалъ тарихида голибларга бериладиган пул мукофотлари миқдори оширилди. Тadbирнинг ҳар бир қатнашчисига «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали фаол иштирокчиси сертификати тақдим этилиши, қўлаверса, «Энг ёш иштирокчи», «Муҳлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи», «Энг яхши чолгу мусиқаси ижрочиси» каби қатор номинациялар бўйича совриндорлар аниқланиши режалаштирилган.

Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг таъкидланишича, эндиликда улбу нуфузли анжуманнинг тантанали очилиш маросимида ёш, янги овоз ва истеъдод соҳибларининг чиқишларига эътибор қаратилади. Жумладан, шу ва бошқа давлат тadbирларида фақат жонли ижро бўлади.

Дунё халқларининг маданияти турлича. Аммо санъатга ҳурмат, миллий анъаналарни асраб-авайлаш туйғуси ҳамма учун бир. Айниқса, мусиқа санъати инсонларда юксак фазилатларни камол топтиради. «Шарқ тароналари» фестивали шу жиҳатдан ҳам барча санъатсевар халқларнинг байрамидир.

Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари:

Одри АЗУЛИ,
«UNESCO» бош директори:

— Самарқанд Амир Темирнинг буюк давлати, Регистон майдони эса Мирзо Улдубек меросидан далолат. Бу мерос асрлар давомида олимлар, ҳунармандлар, санъаткорларни ўзига чорлаган. Умумбашарий тарихни асраш, универсал тил бўлган мусиқани ривожлантириш «UNESCO»нинг маъсулиятига киради. Ташкилот Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ниятида.




2019 йил 27 август. Президентимизнинг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Павел ЛЕВАНДОВСКИ,

Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири:

— Аввало, мазкур санъат фестивалига таклиф этилиши учун ўзининг самимий миннатдорлигини билдираман. Самарқанд чиндан ҳам мўъжизавий шаҳар экан. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали эса ану шу мўъжизавий шаҳарнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланади. Бизнинг мамлакатимиздан ҳам турли ансамбллар улбу санъат байрамида иштирок этиб, миллий мусиқа санъатимиз анъаналарини тарғиб этмоқда. Польшалик санъаткорлар ҳам, мусиқа ихлосмандлари ҳам бу фестивални яхши кўради. Фестивалнинг очилиш маросими ва унда Ўзбекистон Президентининг иштирок этиб, табрик йўллаши санъат анжумани қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.



Арсен ПЕТРОСЯН,

«Arsen Petrosyan Quartet» мусиқий жамоаси аъзоси (Арманистон):

— Шарқ халқлари меҳмондўстлиги, бой қадриятларга эгаллиги, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб янада ривожлантиришга интилиши билан ажралиб туради. Ўзбекистонга келиб, халқингизнинг миллий урф-одатларини асраб-авайлашга, жумладан, қадимий оҳанглар, ижрочилик анъаналарини юксак қадрлашга гувоҳ бўлдим.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида қатнашдим. Таассуротларим чексиз. Афсонавий Регистон саҳнида янграган ўзбек миллий куй-қўшиқларини тинглаб, мзийга сайр қилгандек бўлдим.

Улбу фестивалъ инсонийлик ҳақида дoston яратилажак нуфузли тантана бўлишига ишонаман.



Акбар ХОН,
«Akbar Khamisu Khan» мусиқий жамоаси аъзоси (Покистон):

— Мазкур фестивалнинг очилиш маросимида қатнашиб, унда ижро этилган ўзбек куйларидан ангашилган маънони ҳеч бир таржимон кўмагисиз тушундим. Фестивалъ санъаткорларга нафақат турли халқлар маданияти, мусиқа билан танишиш, балки ўз ижоди орқали халқининг саломини етказиш, Самарқанднинг файзу тароватидан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда.

Куни кеча ислом оламида машҳур Имом Бухорий мажмуасида бўлдим. Мажмуадаги салобат, улуг муҳаддиснинг боқий мероси ҳақидаги далиллар юртингизнинг буюк алломалар ватани экани ҳақида таассурот қолдиради.

Мусиқий жамоамиз билан она шахрим Синд замини ҳақида куйладик. Тadbир иштирокчилари ва меҳмонларини миллий чолгу асбобимиз алтоза ёрдамида ижро этиладиган ижод намунамиздан баҳраманд бўлишга чорлаймиз.

Абдурасул САТТОРОВ
Тайёрлади.



Болалар кўнглига қувонч улашиб

Юрт эртаси эгаларининг камолоти ватан тақдирини белгилайди. Шу боис улғаяётган ёш авлод таълим-тарбияси ҳар нарсадан устун. Улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар доимий эътибор марказида.

Бугунги кунда Қўқон шаҳрида 67 та мактабга таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Уларга 9 минг нафардан зиёд болалар қамраб олинган. Замоновий, шинам хоналар, гигиеник талабларга жавоб бера оладиган ошхоналар, соғломлаштириш масканлари, спорт ва ёзги майдончалар, эртак боғлари каби қулайликлар ҳар бир болажоннинг бахтли лаҳзалари учун яратилган.

Жорий йилда бу каби ишларни янада юксалтириш мақсадида шаҳардаги 4, 9, 19, 28, 56, 57, 58-мактабга таълим муассасалари 8 миллиард 160 миллион сўм маблағ эвазига қайта таъмирланди. 31 ва 48-мактабга таълим муассасалари биноларини реконструкция қилиш учун эса 7 миллиард 409 миллион сўм маблағ давлат бюджетидан ажратилди.

Фарзандларни ҳар томонлама соғлом, бақувват қилиб ўстириш, ёш авлод вакиллари оша Ватанга меҳр-муҳаббатли, садоқат руҳида тарбиялашда сўзсиз таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Шу мақсадда ҳудуддаги кўплаб боғ-

чаларда «Темурбеклар» ҳамда «Нафосат» гуруҳлари ташкил этилган. Инглиз тилига ихтисослаштирилган, футбол, шахмат, гимнастика турларига йўналтирилган гуруҳлар фаолиятидан ота-оналар мамнун, болажонлар кўнглида қувонч.

— Мактабга таълим муассасаларимизда жорий йилнинг май ойида мударалар, методистлар ва бошқа мутахассислар иштирокида Беш ташаббус ижросини амалга ошириш мақсадида «Бешта ташаббус — бешта имконият» мавзусида ўқув амалий семинарини ўтказдик, — дейди Қўқон шаҳар мактабга таълим бўлими мудир Ирола Мирзаева. — Унда маърузачилар бешта ташаббусда белгилаб берилган вазифалар, уларнинг ижроси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди. Бу каби тадбирлар мактабга таълим муассасалари педагог ходимларнинг касбий салоҳият, малака ва тажрибаси, билимини оширишда катта ёрдам бермоқда.

Қўқонда болаларни мактабга таълим муассасаларида янада кенгроқ қамраб олиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафаси тўйга тўёна сифатида яна бир нечта болалар боғчаси



фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Замоновий қулайликларга эга бўлган бу масканлар болажонлар учун ҳақиқий байрам тўхфаси бўла олади. Мақсуд боғчалар очилгач уларда 100 дан зиёд бола тарбияланиши кўзда тутилган.

Бешариқ туманида ҳам мактабга таълим тизимида кейинги икки йилда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Болажонларнинг таълимга қамраб олиш борасида бир қатор амалий саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Ўтган 2018 йилда туманда боғчаларга болалар қамрови 24,1 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич 46,9 фоизни ташкил этди.

Туманда давлат мактабга таълим муассасаларидан ташқари, замоновий қулайликларни ўзида мужассам этган кўркам нодавлат мактабга таълим муассасалари қурилиб, болажонлар ихтиёрига топширилди. Мустақиллик байрами арафасида тумандаги Қўқонча МФЙ ҳудудида тал-

биркор Дилмурод Тўйчиев томонидан 50 ўринли «Дунё боласи», Намуна МФЙ ҳудудида эса талбиркор Феруза Мирзақаримова томонидан 50 ўринли «Бахтли болалик», Навбахор МФЙ ҳудудида талбиркор Бахтиёржон Бораталиев томонидан 200 ўринли хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабга таълим муассасалари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Туманда мактабга таълим муассасаларида тарбияланаётган болажонлар учун 165 миллион 114 сўмлик юмшоқ жиҳозлар, 16 миллион сўмлик дори-дармон воситалари етказиб бериш учун шартномалар тузилди.

Мактабга таълим муассасаларини реконструкциядан чиқариш мақсадида Чинобод МФЙ ҳудудидаги 24-сонли ҳамда Янги Қашқар МФЙ ҳудудида 43-сонли мактабга таълим муассасаларида қурилиш ишлари амалга оширилди. Кум қишлоғидаги 150 ўринли 33-мактабга таълим муассасасида

2019 йил инвестиция дастури бўйича реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Асосий мақсад болажонларни кўркам масканларда соғлом, полвон, билимдон этиб тарбиялаш, уларнинг қалбига болаликданلا илгма интилиш, тил, унлар ўрганишга иштиёқини ошириш, беғубор дамларини унумли, мазмунли ўтказишларига имконият ва шароитлар яратишдан иборатдир.

Рустам МАМАЖОНОВ

Бун ҳаёт дейдилар

Мени совуқ суд залига икки қўлим қишанланган ҳолда келтиришди. Залдагиларнинг жирканиш ва нафрат тўла нигоҳларини сезиб оқимдан зил кетдим. Шу чоғда қари кампир келиб ёқамга ёпишди, сочимдан маҳкам чангаллади.

— Боламни топиб бер, боламни, жувонмарг!

Уни зўрға ажратиб олишди. Мен эса сочларим илдизларидаги қаттиқ огриққаям парво қилмадим. Тўғри, айбдорнинг қора курсисига ўтқишиди.

— Ўзи муштдеккина бўлатуриб, иблис қиёфасига киришдан кўрқмаганини қаранглар-а, бу муттахамни! — Йиғилганларнинг ҳали-вери овози тинмасди.

Сўроққа тутишгунча ёнимдаги соқчилардан айбимни билишга аранг улгурдим.

— Нега мени бу ерга судрадингиз?

Формалининг юзи тиришди.

— Қанчадан-қанча одамни гўрга тикқанигни, наҳот, билмасангиз?!

— Тўхмат, мен ҳеч қачон одам ўлдирмаганман, ҳатто гуноҳи бўлмаса чивинга ҳам озор беришни раво кўрмаганман. Худодан кўрқмайсизларми, тўхмат тамғасини босгани?! — дедим ўпкам тўлиб.

— Умрига зомин бўлганларинг ичида бегуноҳлариям кўп, норасида гўдақлару ҳимоясиз аёллариям аяб ўтирмагансан.

— Бўлса бордир, лекин мени бошқа биров билан адаштиряйсизлар, ҳали ҳаммаларинг бунинг учун жавоб берайсизлар, — дея пирпирлаган кўзларимдан юзларимга тинмай оқиб тушаётган аламли ёшларимни титроқти бармоқларим билан базўр артиб.

Дунёда энг ёмон нарса тўхмат азоби экан. Бошим гангиб қолди. Судянинг усти-устига ёғдирган саволларига авва-

лига дадил-дадил, кейин эса истар-истамай жавоб берардим. Умрининг энг гуллаган чоғида зилдай тўхматга йўлиқиб пешонам ёзиги экан. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган айбларнинг тақалишдан руҳим бутунлай синди. Қисматимни қарадим. Суднинг сўнгги қарори ўқилди: «Жиноятчининг ашаддий қотиллигига далиллар, исботлар етариллиги учун у бир умрга озодликдан маҳрум этилсин!»

Суд соқчилари энди янада маҳкамроқ ёпишиди. Даҳшат гирдобига қичқирдим:

— Бегуноҳман! Беайбман!

Ҳамма ачиниш ўрнига қаҳ-қаҳ уриб, устимдан кулди...

Бу беўхшов кулгулардан бирдан чўчиб уйғониб кетдим. Ҳайрият, тушим экан. Аллоҳга мингдан-миг шукроналар келтирдим. Ўша заҳоти ўрнимдан туриб, китоб жавонимга яқинлашдим. Ёзган асарларимга беихтиёр тикилиб қолдим. Ҳозиргача «Ўлдирган» қаҳрамонларимга жуда-жуда ачиндим. Сўнгра ёзув столимга ўтирдим. Энди инсон умрининг нақадар қимматли неъматлигини чуқур англагандайман. Уни ширин ҳаётдан мосуво этишдан аввал узоқ-узоқ ўйлаб, қаламимни қонга ботиришдан, шошилиб ҳукм ўқишдан ўзимни тийишга онг ичдим. Ичимдаги тазарудан ҳаётга ҳамиша хушёр боқишга эврилгандайман.

Манзура АБДУЛЛАЕВА

Ҳосилни нобуд қилаётган куй

Сабзавотлар — инсоният энг кўп истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотидир. Ҳақиқатан ҳам, помидор, бодринг, турли кўкатлар бир томондан инсон саломатлиги учун фойдали бўлса, иккинчи томондан дастурхонларимиз кўрки саналади. Лекин кейинги пайларда мамлакатимизнинг барча помидор маҳсулотни етиштириладиган ҳудудларида помидорнинг асосий зараркунандаси бўлиши куй тарқалиш хавфи пайдо бўлмоқда. Шу боис, шахримиздаги барча улгуржи ва дехқон бозорларида Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси инспекторлари томонидан карантин назорати ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.


Мутахассис минбари

Шу ўринда айтиш жоизки, Помидор куйаси зараркунандаси 2015 йилда Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятларида аниқланган. Асл ватани Жанубий Америка ҳисобланган бу ҳашарот итузумдошлар оиласига мансуб бўлган сабзавотларга яъни помидор, бақлажон, тамакига жиддий зарар етказиши. Зарарланган кўчатлар ўсишдан орқада қолади. Барглари сарғайиб, қуриб кетиши мумкин. Металари зарарланиши оқибатида унинг сифатида жиддий зарар етказиши. Зараркунандани қарши кураш чораси олиб борилмаса, 100 фоизгача ҳосил зарарланиши мумкин. Ушбу ҳашарот зарарланган кўчатлар ва стук ҳашаротлар орқали учиб бошқа сабзавотларни зарарлайди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу зараркунандани қарши курашининг биринчи шarti — помидор экил-

ган майдонларда итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликларни ёнма-ён эмхаслигидир. Қолаверса, сабзавотлар экилган майдонларда Феромон тутқичлар ёрдамида назорат олиб бериш ҳамда кимёвий препаратлар билан уларга ишлов бериш тавсия қилинади. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, сервитамин ва фойдали озиқ-овқат маҳсулотли бўлган сабзавотларни халқимиз дастурхонига сифатли ва мазали қилиб етказиб бериш учун помидор куйаси зараркунандасини бартараф қилиш чораларини ўз вақтида қўришимиз лозим.

Мунира САГАТОВА,
Тошкент шаҳар Ўсимликлар
Карантини давлат инспекцияси
инспектори



Тазарру



Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари, овул ва маҳаллаларида
Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 28 йиллиги
кўтаринки руҳ билан тантана қилинмоқда

«Farg'onaazot» акциядорлик жамияти жамоаси



Истиқлол айёми билан халқимизни
қизғин муборакбод этади.

Кўнгиллардаги эзгу тилаклар
амалга ошаверсин.



Озод ва обод Ватанимиз
равнақи йўлида меҳнат

қилиш бахти

ҳамиша

ҳамроҳимиз

бўлсин!



ПАРКЕНТ ТУМАНИ

«ОБИД ОТА»

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

гузал ва бетақрор юртимиз бўйлаб нишонланаётган
 кутлуғ байрам — Истиқлолимизнинг 28 йиллиги
 билан Ватандошларимизни самимий табриклаймиз.
 Энг улуғ, энг азиз айём
 барчамизга муборак бўлсин!


UZTELECOM
«Ўзбектелеком»
**акциядорлик компанияси
 Тошкент филиали жамоаси:**


Азиз ҳамюртлар, барчангизни
 республикамиз Мустақиллигининг
 28 йиллиги билан муборакбод этамиз.
 Давлатимиз равнақи, юртимиз
 ободлиги йўлида олиб бораётган
 ишларингизга улкан муваффақиятлар
 тилаймиз!

 КИСКА
 САТРАЛДАРДА
 УҚИНИҒИ

Хитойда ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов 29 август куни «Huawei»нинг Шенчжэндаги илмий-тадқиқот ва ишланмалар маркази (R&D)да бўлди.



«Ideal nur plast» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни, тадбиркорлар ҳамда
ҳамкорларни мустақил Ватанимизнинг энг улуғ, энг
азиз байрами билан қутлайди. Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий бахт тилайди.

Тинчлик ва осойишталигимизга асло кўз тегмасин!

**Фурсаддан фойдаланиб қуйидаги маҳсулотларини
таклиф қилади.**




ООО «IDEAL NUR PLAST»

Производство труб из полиэтилена Ø от 16 до 800 мм,
канализационных труб из ПВХ Ø от 50 до 200 мм.

Для водоснабжения, кислотно-щелочных
растворов, соленых сточных вод, для
канализации и для защиты электрокабеля.

Производство парниковой пленки.
А также выполняется монтаж
напорных труб.

г. Ташкент, ул. Норазтепа, 64
тел./факс: (+99871) 228-83-38, тел.: (+99893) 543-84-04, 375-79-61
e-mail: uzpolpipe@yahoo.com



«AGRITECH HOLDING» МЧЖ

жамоаси:

— Халқимизни мамлакатимиз Истиқлолнинг
28 йиллиги билан муборакбод этамиз!
Жаннатмонанд диёримизда ҳукм сруётган
Тинчлик ҳамisha барқарор бўлсин!



Фермер хўжаликлари диққатига:
«AGRITECH HOLDING» ўз
хизматларини таклиф қилади.

г. Ташкент, Бектемирский р-н.
ул. Хусайн Банқаро 39 А

+998 71 208-56-56
+998 90 966 70 22
+998 90 950 24 05
+998 91 165 37 00
agritechholding@gmail.com

AGRITECH4
@agritech2019
Agritechholding
www.agritech.uz
AGRITECHHOLDING
AGRITECHHOLDING



КИСҚА
САТРАЛДАРДА
УҚИНИ!

Адлия вазирлиги томонидан янги — Ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалашти-
риш ассоциацияси давлат рўйхатидан ўтказилди.



Polimer
Galantery

«POLIMER GALANTERY»

хусусий корхонаси жамоаси

Халқимиз ва юртимиз меҳмонларини энг улуг,
энг азиз байрам билан самимий қутлайди.
Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ
кунда барчага бахт ва омад,
тинчлик-хотиржамлик, осойишталик тилайди!
Фурсаддан фойдаланиб, қуйидаги
маҳсулотларини таклиф қилади:

Мурожаат учун телефон:
+998946383333
+998951423119



UNG
UZTRANSGAZ

«Узтрансгаз» акциядорлик жамияти Қашқадарё вилояти бўйича ҳудудий газ таъминоти филиали жамоаси

мамлакатимиз аҳлини энг улуг,
энг азиз байрам —
Мустақиллик куни билан
табриклайди! Она заминга
муҳаббат, юртга садоқат,
эртанги ёруғ кунларга ишонч
ҳисси сиз азизларни асло тарк
этмасин. Тилагимиз — гўзал
диёримиз бундан-да
гуллаб-яшнайсин!

ҚИСКА
САТРАДАРДА
ЎҚИНИҒИ

«Хайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундириладиган
тўловлар миқдори ва шартлари тўғрисидаги низом»ни тасдиқлаш ҳақидаги қарор Адлия
вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

ИПОТЕКА BANK

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

Ипотека-банк жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан табриклайди! Ушбу байрам диёрини севган, унинг машхур тарихини ва кўп йиллик анъаналарини эъзозлаган, Ватани равнақи йўлида ўз кучи ва меҳнатини, билим ва истеъдодини аямаган барча инсонларни бирлаштиради. Сизга ва яқинларингизга соғлиқ, бахт, фаровонлик ҳамда барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламиз.

Imkoniyat yaratamiz

Нурафшонни улуғлаган ютуқлар

Экилган нихолнинг эртага қандай мева бериши унинг қаерга экилгани ва қандай парвариш қилинганига боғлиқ. Худди шундай давлат келажаги ҳам ёшларга берилаётган таълим ва тарбия билан ҳамохангдир. Бу, айниқса, мамлакат аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этадиган мамлакатимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналиш 4-банди Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масаласига бағишланган бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш каби вазифаларни бажариш кўрсатиб ўтилган. Бу борада Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар халқ таълими бўлимида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Нурафшон шаҳар ХТБ мудири Азим Ачилов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳримизда 13 та умумтаълим мактаби ва 1 та «Баркамол авлод» болалар маркази фаолият кўрсатади. 13 та мактабда жами 8026 нафар ўқувчи таҳсил олади. 2019-2020 ўқув йилида 957 нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинди.

Ҳар йили янги ўқув йили олди-дан ўтказиладиган август кенгаши бу йил «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган тантанавор гоёни ўзида мужассам этди. Мазкур тадбирлар орқали таълим муассасалари раҳбарларининг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, тизимда фаолият юритаётган педагог ходимларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ўқитувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий салоҳияти ва маҳоратини янада такомиллаштириш, янги ўқув йилидаги устувор вазифаларни белгилаб олишга, таълим муҳити шароитида педагогларни мустақил фаолият кўрсата олиш, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатиш муҳимдир.

Назорат, таҳлил, натижа

Ўқувчиларнинг билим ва малакасини умумий таҳлил қилиш таълим сифати ва даражасини белгилайди. Шу мақсадда ўқув йили давомида ҳар бир таълим муассасасида ички ва ташқи мониторинг ўтказиб борилади. 2018-2019 ўқув йи-



лида умумтаълим фанлар бўйича Нурафшон шаҳар таълим сифати ўртача 86,5 фоизни ташкил этди. Мониторинг жараёнида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар берилиб, фанлардан паст ўзлаштирган ўқувчилар учун қўшимча дарслар ташкил этилди. Жойларда ўтказилган ташқи назорат жараёнида фан ўқитувчиларининг самардорлик кўрсаткичларига қўшиб ёзишлар, рақамларни ошириб кўрсатиш ҳоллари кузатишди. Ички назорат ўтказиш жараёнида белгиланган меъёрлар ва талабларга амал қилинмаётганлиги аниқланди. Шаҳар халқ таълими бўлими услубчилари томонидан бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, мактабларга етказилди. Мониторинг қилиш натижалари олдинги йилларга нисбатан қийсий таҳлил қилинганда айрим фанлардан ўсиш айрим

фанлардан эса нисбатан пастроқ натижа берилгани аниқланди.

«Мактабгача ва умумий ўрта таълимни ривожлантириш»

Мазкур лойиҳа доирасида жорий йилнинг 1-10 август кунлари 4-умумий ўрта таълим мактабида халқаро талаблар асосида тест саволларини ишлаб чиқиш (Тестология) ҳамда таълим сифатини халқаро дастурлар (PISA, TIMSS, PIRLS) ёрдамида мониторинг қилиш асослари бўйича семинар тренинг бўлиб ўтди. Унда 13 та мактаб ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, фан метод бирлашма раҳбарлари ва фаол ўқитувчилар иштирок этди.

10 кун давом этган семинарда мутахассислар томонидан барча фанлар бўйича таълим самардорлигини ошириш бўйича тавсиялар, ўқув дастур ва дарсликлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, таълим сифати мониторингини ташкил этиш ва ўтказишда халқаро PISA баҳолаш дастурларидан фойдаланиш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Намунали фаолият кўрсатаётган 1,4,25,48-тянч мактабларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириб бориш ҳамда бўлимнинг расмий веб сайтига жойлаштириш ишлари режага киритилди.

Йилнинг энг фаоллари

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019» республика танловининг шаҳар ва вилоят босқичида 4-умумтаълим мактабининг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Н.Мингяшарова фаол иштирок этиб, вилоят босқичида юқори ўринни эгаллади. 1-умумтаълим мактаби психологи Динара Абдуллаева эса «Йилнинг энг яхши психологи» кўрик-танловида фахрли 1-ўринга муносиб топилди. Ўқитувчиларнинг бу каби ютуғи, албатта, ўз устида янада кўпроқ ишлашни, масъулиятли бўлишни талаб этади. Бу эса таълим жараёнининг янада ривож учун хизмат қилади.

Ўқувчининг ютуғи — ўқитувчининг фахри

Ўқувчининг йил давомида олган билимини мустаҳкамлаш, ўқувчилар орасида соғлом рақобатни ташкил этиш мақсадида Республика фан олимпиадаларининг ўрни муҳим. Нурафшонлик ўқувчилар ҳам бу борада пешқадам. Хусусан, Республика фан олимпиадасининг шаҳар босқичида умумтаълим мактабларининг 17 нафар ўқувчилари вилоят босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Вилоят босқичида 32-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дурдона Алибекова тарих фанидан фахрли 1-ўрин ва 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Диана Хамидулина ҳуқуқ фанидан фахрли 2-ўринни эгаллади.

Математикларнинг Халқаро олимпиадасида 57-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Амир Галиев вилоят босқичида голибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди.

Биргина таълим тизимида Нурафшонни улуғлаган бу каби галабаларни санаб, адоғига етказиш мушкул. Фан олимпиадасидан тортиб, маданий-маърифий тадбирларнинг фаол ўтказилиши бугунги ютуқларга замин бўлгани, шубҳасиз.

Инсон кунда бўлмаса-да, йилда бир маротаба ўтган йилдан сабоқ олади. Нималар қилдим, нималарга эришдим, нималарни қўлдан бой бердим, дея ўз-ўзига савол беради. Мана шундай кезларда улкан ютуқ ва марраларни забт этиб, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига оз бўлса-да ҳисса қўша олган инсон ўзини чинакамига бахтли ҳис эта олади. Бугун бир йил ичида Нурафшон шаҳрининг таълим соҳасида эришган ютуқларини оз бўлса-да намоён эта олдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Нурафшон шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси халқимизни, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган фойдаларни Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги шодёнаси билан чин дилдан қўтлайди. Юртимиз эришаётган ютуқлар бундан-да бехисоб бўлишини тилайди.

«Жамият» мухбири
Баҳринисо МАДУМАРОВА
ёзиб олди

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Тиббиёт бирлашмаси Касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси

барча ватандошларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 28 йиллик байрами билан
муборакбод этади.

Барчага сиҳат-саломатлик, бахт, омад, юртимиз ва
хонадонларимизга файзу барака тилайди.



ҚИСКА
САТРАЛДАР
ЎҚИНИ

Фуқаролар йиғинлари ходимларига санаторийларга бепул йўлланма берилади.

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти жамоаси

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик тантанаси билан халқимизни муборакбод этади. Қалбларни меҳр-оқибат, эртанги кунимизга нишонч ҳеч қачон тарк этмасин!



Онам билан «кетган» дадам қайтдилар

1988 йил. Айни «илик узилди» палла. Онамда қандайдир ўзгаришлар сезила бошланди. Узоқ ўйга чўмадиган, бир нуқтага тикилиб қолсалар, гапирганимизни ҳам пайқамайдиган, паришонхотир бўлиб қолганди. Ўзлари ҳам, гап-сўзлари ҳам жуда маҳзун эди. Биз фарзандларга тўймасдилар. Қай биримиз кўринмай қолсак, дарров излашга тушардилар. Олдиларига келсак, худди узоқ сафардан қайтгандай кўришиб, бошимизни силаб, хидлаб-хидлаб бағрига босардилар...

— Қизим, мендан кейин дадангда ҳар-хил ўзгаришлар, қутилмаган ҳолатлар содир бўлиши мумкин. Инсон қаттиқ хафа бўлганда атрофдагиларни, ҳатто, фарзандларини ҳам безътибор бўлиб қолади. Бир нарса ни унутма: даданг сизларни жудаям яхши кўради, меҳри абадий. Мендан кейин даданг сенга нимадир қилаётганига эмас, балки ўзинг дадангга нима қилаётганига эътибор қил. Нима бўлишдан қатъи назар, дадангга яхшилик қилишдан, уни яхши кўришдан тўхтаманглар! Уни ёлғизлатиб, ўз ҳолига ташламанглар!

Бу жумлалар кўп такрорланаверганидан юрагимда

муҳрланиб қолган экан. Онамдан кейин дадам олдин одамови бўлиб қолди, кейин жаҳл аралашди. Хуллас, биз билган дадам онам билан «кешиб» қолгандек эдилар, гўё. Онамга сўз берганим учун дадамни қўлимиздан келганча ардоқлашда давом этдик.

...Орадан йиллар ўтиб, онам билан «кетган» дадам қайтиб келдилар. Гарчи биз анча улғайган бўлсакда, яна ўша меҳрни, эътиборни ҳис эта бошладик...

Вафотидан кейин ҳам эрини эъзозлаб-авайлайдиган шундай аёллар борлиги учун ҳам, улар муқалласдир.

Жамила МАҲМУД

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар «AGRO SAVDO HOLDING» масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Халқимизнинг гурур-ифтихори бўлган **Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини нишонлашдек улкан бахтга ҳаммамизни яна бир бор етказди. Халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, энг азиз байрам — Мустақиллик куни билан барчани чин қалбдан муборакбод этамиз. Истиқлол нашидаси, байрам сурури ҳар бирингизни яхши ниятлар, эзгуликлар сари ундайверсин! Доймо хонадонингиздан қут-барака, қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум аримасин.**



Жиноят-процессуал кодексига паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати)нинг амал қилишини тўхтатиб туришга оид норма киритилди.

Паркент тумани «Заркент қаҳрамони» агрофирмаси жамоаси

муқаддас она Ватанимиз бағрида
тараққиёт йўлида
фидокорона меҳнат қилаётган азиз
юртдошларимизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 28 йиллиги билан табриклайди.

Энг олий неъматимиз бўлиш
тинчлик-осойишталигимизга кўз тегмасин!



Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси «Мегарезинапласт» корхонаси жамоаси:

— Барча Ватандошларимизни Мустақиллигимизнинг
28 йиллиги билан табриклаймиз!

Хонадонларимиз файзли, тунларимиз осуда,
дастурхонимиз баракали.

Бундай кунларга шукроналар айтмай бўладими?

Тилагимиз, нафтункор диёримиз
янада гуллаб яшнайверсин!



*Mustaqillik bayramingiz
muborak bo'lsin!*



Тахририятимизга телефон орқали бўлган му-рожаат юзасидан Наманганга йўл олдик. Маълум бўлишича, шаҳар ҳокимлиги тadbиркордан «Ихтисослашган қурилиш моллари савдо» масъулияти чекланган жамиятида таъсисчи сифатидаги 49 фоиз улушини ноқонуний равишда тортиб олишга ҳаракат қилаётгани очикланди...

Айтилган манзилга боргач, «Ихтисослашган қурилиш моллари савдо» МЧЖни аҳолидан сўраб-суриштирдик, кўпчилик елка қисди, шунда кимдир: «Сиз адашмасам, қурилиш моллари билан савдо қилувчи «Шамсибозор»ни излаясиз, шекилли?», дея йўл кўрсатди.

«Шамсибозор» тарихи

Наманганда маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан «Шамсибозор» деб ном олган қурилиш моллари билан савдо қилувчи катта савдо мажмуаси бор. Унинг барпо этилиш тарихини ўрганиб, аниқлашмишча, худудда бир пайтда 4 гектардан катта майдонда автобаза корхонаси фаолият кўрсатган. Оралдан вақт ўтиб, ёпилиб кетган. Наманганлик тadbиркор ушбу корхонани кейинчалик хусусийлаштириб, ўз фаолиятини йўлга қўяди. Бу ерда турли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил қилади. 2011 йили Наманган шаҳридаги жаҳон бозори дея номланувчи «Лола» савдо комплексининг бир қисми, аниқроғи, қурилиш моллари билан савдо қилувчи қисми бузилади. Айнан шу пайтда шаҳар ҳокимлиги учун ерда тadbиркорлик фаолияти билан шугулланаётган 200 нафардан ортқ кишининг тақдирини муаммога айланади. Унинг ечимини топиш учун Наманган шаҳрида тadbиркорлик фаолияти билан ўзига хос обрў-эътибор қозонган Шамсиддин Ғавсидиновга шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари қурилиш моллари билан савдо қилувчи комплексни ташкил қилиш таклифини беради. Буни ҳар томонлама ўрганиб чиққан тadbиркор ҳокимият раёнини қайтармайди. Фақат қосманинг яна бир томони — мавжуд қонунчиликка кўра, савдо комплекслари таъсис этилиши учун 51 фоиз улуш маҳаллий ҳокимият органларига тегишли бўлиш шарт эди. Шунда тadbиркор шаҳар ҳокимлиги билан музокаралар жараёнида ўзи қонуний равишда хусусийлаштирган корхонага доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган 4,19 гектар ер майдонини шаҳар ҳокимлигининг захирасига қайтарди. Натижада, Наманган шаҳар ҳокимлиги захирага қайтарилган ушбу ер майдонида ташкил қилинаётган «Ихтисослашган қурилиш моллари савдо» масъулияти чекланган жамиятининг 51 фоиз, Шамсиддин Ғавсидинов эса ўзи таъсис этган «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ орқали 49 фоиз улушдор сифатида ҳамкорликни йўлга қўйди. Маълум

молларга кўра, бозорни ташкил қилиш, ободонлаштириш, савдо расталари, бино ва иншоотлар, йўлақлар қуриш учун барча маблаг «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ ҳисобидан амалга оширилди. Бугунги кунда «Ихтисослашган қурилиш моллари савдо» комплекси масъулияти чекланган жамияти худудида 1000 нафардан ортқ тadbиркор, 3000 нафарга яқин ёрдамчи ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд бозор орқасидан қарийб 50 минг кишининг қозони қайнаётган дегани...

Суд қарори нега тан олинмади?

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, бозор худудида тadbиркор шахсий маблағига барпо этилган салкам 4 миллиард сўмлик бино ва иншоотлар расман савдо комплексининг 49 фоиз улушига эга бўлган «Ёғоч маҳсулотлари савдо-

Тadbиркорни қўллаб-қувватлаш: муаммо ўрганилиб, адолат тикланадими?

си» МЧЖга тегишли бўлса-да, уларнинг ижарасидан келиб тушадиган барча фойда тўлалигича «Ихтисослашган қурилиш моллари савдо» масъулияти чекланган жамияти ҳисобига келиб тушади. Бу «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ бозорга устав фондига киритган ўз улушидан ташқари, қарийб, тўрт миллиард сўмлик мулкни беғараз фойдаланиш учун топириб қўйибди, дегани. Бироқ шаҳар ҳокимияти негадир, «Ёғоч маҳсулотлари савдоси»ни улушдорлар сафидан чиқариш учун ҳаракат қилмоқда. Дастлаб, бозор раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси билан иш очилади ва Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 11.07.2017 йилдаги ҳукми ҳамда 03.11.2017 йилдаги ақрими билан ўша пайтдаги бозор раҳбарлари айбдор деб топилган.

Фурсатдан фойдаланилиб, шаҳар ҳокимлиги бозор раҳбариятини янгилайди ҳамда Наманган шаҳар ҳокими томонидан 2018 йил март ойида даъво аризаси билан Наманган туманлараро иқтисодий судига мурожаат этилиб, Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2017 йилдаги ҳукми ва ақрими вақ қилиниб, «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖни «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ таъсисчиларидан чиқариш сўралди.

Наманган туманлараро иқтисодий судининг 13.04.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ томонидан «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фондига улуш киритилгани ва тўлиқ шакллангани аниқланади. Наманган шаҳар ҳокимининг даъво аризаси қаноатлангирилмасдан рад этилади.

Биламизки, Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддаси 2-бандига асосан масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондига улуш киритилгани, шакллангани, мансублигини аниқлаш каби корпоратив низоларни ҳал этиш иқтисодий судларнинг ваколати ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 15-моддасига асосан қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Бироқ шаҳар ҳокимлиги Наманган туманлараро иқти-

содий судининг «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фондига «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг улуши тўлиқ шакллангани тўғрисидаги 13.04.2018 йилдаги ҳал қилув қарорини тан олмай келмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ таъсисчиларининг 28.06.2019 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилади. Ушбу йиғилиш кун тартибидан ноқонуний масалалар кўриб чиқилишидан хабар топган «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ иштирок этмайди. Гарчи, ваколати бўлмаса-да, ўтказилган йиғилиш якунида «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг қонуний манфаатларини бузувчи қарорлар қабул қилинган. Шу боис, ҳуқуқи поймол этилган тadbиркор Наманган туманлараро иқтисодий судига 28.06.2019 йилдаги жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб

топиш юзасидан даъво аризаси киритади. Натижада, Наманган вилоят иқтисодий судининг 01.08.2019 йилдаги ҳал қилув қарори билан «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг «Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо» МЧЖ устав фондига 49 фоиз улуши тўлиқ шакллантирилгани ва бу Наманган туманлараро иқтисодий судининг 13.04.2018 йилдаги ҳал қилув қарори ҳамда бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топгани қайд этилади. Суд шаҳар ҳокимлигидаги мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан хусусий ақрим чиқариб, ушбу ҳолат юзасидан прокуратурага хабарнома жўнатади.

Бизни ҳайрон қолдирган ҳолат шуки, шаҳар ҳокимлиги қонуний кучга эга бўлган суд қарорини тан олмасдан, савдо комплексининг 2018 йилги фаолияти натижаларига кўра олинган фойдани мутаносиб равишда тақсимламасдан, 100 фоиз дивидентни ўзлаштирган. Буни қандай изоҳлаш мумкин!?

Тadbиркор сиқувга олинса, инвестиция қаердан келади?

Бугун тadbиркорларга кенг имкониятлар яратилиб, унинг мулк ва маблағлари дахлсизлигини кафолатлаш юзасидан қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда. Наманганда эса бир тadbиркорнинг ўз маблағлари эвазига барпо этган савдо комплексига кўз олайтириб, унга тегишли дивидентларнинг ўзлаштирилиши, очикдан-очик қонунларга хилоф равишда улушдорлар сафидан чиқаришга уриниш, суд қарорларини тан олмаслик ҳолатларини қандай тушуниш мумкин? Ҳозирги кунда Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан тайинланган бозор раҳбарлари салкам ярим миллиард сўм маблағни талон-торож қилишни юзасидан жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 205-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган. Айни пайтда тadbиркор ва шаҳар ҳокимлиги ўртасидаги бу масала яна боши берк кўчага кириб қолди. Негаки, бозор раҳбарини тайинлашни учун улушдорлар овозининг учдан икки қисми керак бўлади.

Биз билан суҳбатда «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖ вакили, адвокат

Лазиз Турсуновнинг айтишича: «Наманган шаҳар ҳокимлиги «Ёғоч маҳсулотлари савдоси» МЧЖнинг манфаатларига зид қарорлар қабул қилиш, унинг суд томонидан тасдиқланган улушини тортиб олишга уриниш билан чекланиб қолмаяпти. Шаҳар ҳокими тайинланган бозор раҳбарлари томонидан талон-торож қилинган маблағларни яширишга уриниш мақсадида суд органларига босим ўтказишга уринмоқда.

Оддий бир мисол: Жиноят процессуал кодексининг 406-моддасида Жиноят ишини муҳокама қилиш чоғида суд таркибининг ўзгармаслиги белгиланиб, ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир суд томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, ҳокимнинг бевосита аралашуви билан жиноят иши учинчи судга ўтказилди.

Иш биринчи судья Н.Раимқулов меҳнат тағилтига чиққани, иккинчи судья С.Холботиров қисқа муддат-

ли ўқишга кетгани баҳонасида учинчи судья Б.Таваккаловга ўтказилди. Мақсад — вилоят прокуратураси томонидан аниқланган камомад миқдорини яшириш ва тadbиркорга, давлатга етказилган зарарни камайитириш.

Ҳозирги кунда бозорга раҳбар тайинланмаса, у ерда ишлаётган тadbиркорлар ва бозор фаолияти хавф остида қолиши мумкин. Шаҳар ҳокимлиги эса музокараларга киришишни хошламаяпти. Биз шаҳар, вилоят ҳокимлиги бозор раҳбарлиги учун ўз номзодимизни ҳамда тушумларни қарийб, 30 фоизга, яъни 200 миллион сўмга ошириш билан боғлиқ бизнес режамизни тақдим этганмиз. Ҳалигача жавоб бўлмади.»

Биз ҳолатни ўрганиш учун савдо комплексига бориб, у ердаги тadbиркорлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикрига кўра, ҳокимият ва бозор асосчиси бўлган тadbиркор ўртасидаги низо оқибатда текширувлар сови қўлайган, ободончилик масаласи иккинчи даражали бўлиб қолган, тadbиркорлар ишлаш ўрнига терговчи ва судга кўрсатма беришдан ортмаётгани.

Ҳолатни тўла, ҳолисона ўрганиб чиқиб, айтиш мумкинки, шаҳар ҳокимлиги эҳтиросларга берилишни бас қилиб, келишмовчиликларга қонуний ечим топмаса, бу ҳолат Намангандек шаҳарнинг инвестицион муҳитига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Зарурат бўлса, икки томон музокаралари вилоят раҳбарлари аралашуви асосида ташкил этилса, қонуний жиҳатдан ҳал этилган, бироқ мансабдорлар томонидан тан олинмаётган суд қарорлари бажарилишини таъминлаш мумкин бўларди. Охири йўқ суд жараёнларига барҳам берилиб, келишмовчилик ўз ечимини топар эди.

Давлатназар РЎЗМЕТОВ,
Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
bong.uz ва «Жамият» мухбирлари

Тахририят: ушбу мақола сайтимизда (bong.uz) эълон қилинган, унда илгари олинган тadbиркорларга оид ишлар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идоралар томонидан кўриб чиқилиб, тadbиркорнинг поймол этилган манфаатлари тикланиши назарда тутилган. Бу юртимизда қонун устуворлиги қатъий таъминланаётгани, тadbиркорлар эса Президентимиз ҳимоясида жаълигини исботловчи яққол далилдор.

Маъзуга яна қайтамиз...!



1 сентябрдан нималар ўзгаради?

1. Фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари хусусийлаштирилади.

Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, шу жумладан, таълим муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маланият, хусусан, кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида сотилади.

2. Машинасозлик, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича ходимлар чет элда ўқитилади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича ходимлари «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқитиш ва малака ошириш учун юборилади. Таҳсил олаётган иқтидорли бакалавр талабаларининг хорижий олий таълим муассасасидаги тўлов контракти тўлаб берилади.

3. Хорижда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ўзгаради.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади.

4. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади ҳамда гувоҳнома эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

5. «Темурбеклар мактаби» ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ойлик маоши ошади.

«Темурбеклар мактаби» ходимларининг ойлик маоши: директор ва унинг ўринбосарлари, ўқитувчилар, ўқув бўлими ходимлари учун — 5 баробар; тўғарак (секция) раҳбарлари ва психологлари учун — 3 баробар;

ахборот-ресурс маркази (кутубхона), ахборотлаштириш ва алоқа бўлинмалари ходимлари, инструкторлар ва лаборантлар учун — 2 баробар миқдорда оширилади.

Шунингдек, «Темурбеклар мактаби»да хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотига уларнинг лавозим маошининг 50 фоизига тенг миқдорда ҳар ойлик устама тўланади.

Орамизда шундай инсонлар борки, улар бутун ҳаётини меҳнатга бахшида этган. Қилаётган эзгу ишлари орқали жамият ривожига ҳисса қўшишга бор диққатини қаратган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Тошкент ва Зангиота туманлараро Кенгаши раиси Алишер Ортиққўжаев ана шундай кишилардан биридир.

Бир қарасангиз, бирор корхона ё ташкилотда сўхбат ўтказаятган, бир қарасангиз, фахрийлар ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиб, совга-салом улашган, гоҳо эса уюшма аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун елиб-югураётган бўлади. Тун ярмидан ўтса-да, кунлик режадаги ишларни битириб тугатмагунча, ишонгани тарк этмайди. Маъсулият, тартиб-интизом ва фидойилик борасида Алишер ака кўпчиликка ибратдир.

— Қерда интизом бўлса, ўша

ерда иш унути бўлади, — дейди у. — Тартиб-интизомга ўрганган ходим ўз ишига янада маъсулият билан ёндошади. Шу боис ҳам жойлардаги бошланғич касаба

ва дам олиш ҳуқуқлари бузилмаслиги ҳақида раҳбарларга кўп бора уқтираман. Чунки ҳафта лавомида тин олмай ишлаган ҳар бир ходим мароқли ҳордиқ

томонидан ҳар байрамда бола-жонлардан тортиб, кексаларгача улар эътиборидан четда эмас. Кенгаш аъзолари барчанинг кўнглини бирдек олишга интилади. Инсонларга меҳр-муҳаббат, эзгулик улашишни иш фаолиятидаги энг олий мезон деб ҳисоблайди. Жамиятимизда мана шундай инсонлар борлиги учун ҳам, юртимиз тинч, қадриятларимиз бардавом, меҳр-муҳаббат ришталари муштаҳам.

Жамила АРСЛОНОВА

11. Аёллар учун никоҳ ёши ўзгаради.

Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши бир хил — ўн саккиз ёш этиб белгиланади.

12. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномалар электрон шаклда топширилади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномалар фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топширилади.

13. Янги телеканал ишга тушади.

«O'zbekiston tarixi» телеканали ўз фаолиятини бошлади.

«Нуқуқу ахборот» канали материаллари асосида Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.

Сўзи билан иши бир

уюшма ташкилотлари раҳбарларидан, аввало, интизомга риоя этишларини сўрайман. Ходимларнинг иш тартибидан бошқа вақтда ишга жалб этилмаслиги, кўшимча ишлаганлик учун ҳақ тўлаш кераклиги, меҳнат қилиш

чиқаришга, дам олишга тўла ҳақди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент ва Зангиота туманлараро Кенгаши

Тошкент вилояти Чиноз туманида 10 дан ортиқ корхона ва ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди.



Эрталаб тоза ҳавода сайр қиладиган одатим бор. Жорий йилнинг 20 июлида уйим атрофидаги чиқиндиҳонада бегона бир кишининг ухлаб ётганини кўрдим. Албатта, у бошпанасиз, етим, ақли заиф бўлса керак, деб унга яқинлашишга бироз ҳайқидим. Бир ҳафталардан сўнг яна шу ҳолатнинг такрор гувоҳи бўлдим. Бу сафар нотаниш кишига бепарқ ўтиб кетолмадим. Уни зимдан кузатишга қарор қилдим. Шу атрофда яшовчи аҳоли чиқиндиларни унинг шундоққина оёғи остига ташлаб кетар, унга бепарвогина қарашар, баъзилар эса унга кўз қирини ҳам ташлаб қўймасди. Мазкур ҳолатни кўриб, аччиқландим. Юрагимда нафрат ўти галаён қилди. Бу галаён ахлатхонадаги кишига эмас, балки у томонга қарата чиқинди отаётган одамларга нисбатан эди. Гўё, уларга инсонийлик, меҳр-оқибат туйғулари бегонадек. Наҳот, инсон инсонга нисбатан шундай муносабатда бўлса?...

Бугунги «насиба»сининг шовқинидан у одам чўчиб, уйғониб кетди. Кўзлари мовий, куч-қувватга тўлган. 35-40 ёшни қоралаган, сочлари қоп-қора, қалин, ўсган бу одамнинг бошида не савдолар борлигига, нима учун бундай яшаётганига қизикдим. Уни қўлланса ҳид келаётган ахлатхонадан бир дам бўлса-да, йироқ тутиш мақсадида, йўл четига ўриндиқда суҳбатлашиб ўтиришга таклиф қилдим. Уст-боши кирлигидан хижолат бўлди чоғи, мендан нарироққа ўтирди. Салом-алиқдан сўнг, уни суроққа тута бошладим.

— Исмийгиз нима? Қарликсиз?

— Камол. Хоразмнинг Питнак шаҳриданман. У ерда 80 ёшга кирган онам, икки қиз ва бир ўғлим, аёлим бор.

— Ака укалар-чи?

— Акам машина олди-сотдиси билан шуғулланади. Укам заводда ишлайди. Икки нафар синглим бор. Уларни узатганмиз.

Тога-амаларим, амма-холаларим ҳам ўзига тўқ.

— Бу ерда қандай келиб, қолгансиз?

— Бундан 8-10 йил аввал вилоятлардан пойтахтга келиб, рўзгорни бинойидек тебратётганларни эшитиб, кўриб, келдим. Аввалга

одамларнинг уйда «қора иш»ларни қилиб юрдим. Мардикорликнинг ҳам ўзига яраша ёзилган-ёзилмаган қонун-қоидалари бор экан. Бошида анча

« — Ҳозир ҳар ахлатхонанинг ўз эгаси бор. Бошида ахлатхоналарни титиб, бориға шукр қилиб ижарада яшардим. Бу ердан тирикчилик қиладиган одам шу ерда яшасагина, бири икки бўлишини тушундим.

қийналдим. У пайтда қув-қувлардан, «кимларнингдир» бер-берларидан безиллардик. Бўёқчилик, сувоқчилик,

жойларга бориб, гишт куйиш, териш касбларини ўргандим. Ўзимдан ортириб уйга пул юбора бошладим. Мусофир бўлиб, кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Ота-онани қадрига шу ерда етдим.

— Ойига қанча пул топар эдингиз?
— Ўртача кунига 60-70 минг сўм, икки маҳал овқати ҳам бор эди. Лекин кунда иш топилиши қийин масала. Бегона шаҳар, яқинларимдан олисда, пулсиз, оч қолган кунларим кўп бўлди.

— Нега мардикорликдан ахлатхонани танладингиз?

— Чўнтакка пул тушгандан кейин атрофингда ҳар хил одамлар пайдо бўларкан. Улар ўзига хон, қўланкаси майдон бўлиб, назоратсиз эди. Ошна-оғайниларим билан ишдан сўнг йиғилдиган, кунора ичадиган

картон, пакетлар, эски кийимлар, кунига 3-5 килограмм ёрилган, турли пластмасса тоғоралар, қотган нон бўлақлари тушиб туради. Бу йилдан уйга ҳар ой бир миллион сўм ва ундан ортқ пул юбориб турибман.

Камолнинг тили чуқурроқ эканини сезмабман.

— Чопирларнинг иши яхши экан. Биз юборган пулимизнинг ҳар 100 мингидан 10 минг олади, — деди у.

— Гапларингиздан соғ фикрлайдиган одамга ўхшайсиз. Ота-онангиз ўғил кўриб, исмигизни Камол қўйганидан хурсанд бўлган бўлса керак. Нега ўзингизни бунчалик хўрлаб қўйдингиз?

Бераётган саволларим оғирлигидан қалбимни титроқ босди.

— Ўғирлик қиладиган, бировни тунаётган, бошқаларга ўхшаб норози қилиб олиб сотаётганим йўқ-ку? Айбим шу ерда қолиб ишлаётганимми?

Кўзида жикқа ёш, овозида титроқ билан базур бошидан ўтганларини тапира бошлади.

— Ҳозир ҳар ахлатхонанинг ўз эгаси бор. Бошида ахлатхоналарни титиб, бориға шукр қилиб ижарада яшардим. Бу ердан тирикчилик қиладиган одам шу ерда яшасагина, бири икки бўлишини тушундим.

— Оилангиз уларни шу аҳволда боқётганингизни билишадими?

Яна кўз ёши... Титроқ овоз эшитилди.

— Мени ҳамма қатори мардикорлик қилиб юрибди, деб ўйлашди. Худо асрагин, эшитиб қолишса, яхши эмас. Яқинда қизимнинг фотиҳаси бўлибди. Қудалар бундан хабар топишса борми, ким ҳам менга ўхшаганнинг қизини оларди. Тавба! Тошкентда пул топаман, деб йиғитлик гурурини йўқотдим. Ўзимни хор қилдим. Сўнгги йилларда Хоразм ҳам ўзгариб кетибди. Бунга ҳар-ҳарда телевизор орқали кўриб қоламан. Бугун тadbirkorларга кенг йўл очилди. Ошна-оғайниларим қорхоналар очаётганини эшитдим. Улар ишга таклиф қиляпти. Бу ерда хор бўлиб тонаётган пулимни ўз шаҳримда топишим мумкинлигини англадим. Сизгача менга ҳеч ким на маслаҳат, на насиҳат қилган эди. Озроқ пул йиғиб олай оилам барига қайтаман.

Ҳа, бугун орамизда Камолга ўхшаганлар қанча? Улар бозорларда арава тортиб, тadbirkorman

деб, болаларининг ризқ-насибасини қирқиб деҳқон бозорларда олиб-сотарлик қиладиганлар қанча? Ўз оиласидан узоқда, назоратсиз, боши берк кўчага қириб қолганлар қанча?

Тирикчиликнинг айби йўқ. Аммо яхши, бахтли ҳаёт кечириб, фарзандлар камолини кўриш, адоғи йўқ орзу-ҳаваслар гирдобида яшаш ҳаммининг орзуси. Бунга рўёбга чиқариш учун ҳарқатнинг ўзи камлик қилади. Атрофдагиларнинг эътибори, қийларининг ишончи, меҳри, жуда муҳим. Биз бунга бепарво, лоқайд бўлмасак кифоя. Ҳаётда барча ўз ўрнини топиб кетади.

Даврон АҲМАД



«Пул топаман деб, ғуруримдан воз кечдим»

бўлиб қолдим. Топганим ижарага, қоринга, ароққа етарди, холос. Ойлаб уйга пул юбора олмадим. Шундан сўнг мардикорликдан воз кечишга тўғри келди.

— Бу ерда юрганингизга қанча бўлди?

— Икки йилдан ошди. Аввалга 3 та туманинг ахлат ташланадиган жойларини ўргандим. Яхши пул ишлаб топса, бўладиган жой шу ер экан. Кунига 20-25 килограмм бақлажга, 10-15 килограммга қоғоз,

<p>ЖАМИЯТ</p> <p>Муассислар: Фударолик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. «Фударолик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОҲОВ</p> <p>Таҳрир хайъати: Рустам Комиллов Рустам Қосимов Борий Алихонов Акмал Саидов Шавкат Жавлонов</p>	<p>Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-814 Адади: 1402. Жума кунга чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-7722</p>	<p>Навбатчи: Нуриддин Убайдуллоев</p> <p>Дизайнер: Бегайи Эшонқулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55 Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz Газета индекси — 131 «ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. ЎА Акуни: Топширилган вақти: 22.25 1 2 3 4 5 6</p>
---	--	--	---	--

Тюмень давлат университети матбуот хизматининг хабар беришича, айти вақтда сайёрамизда ўсимликлар 350 барабар тез йўқолиб бормоқда.



XalqBanki

OMONAT
“EXCLUSIVE - 2”

YILLIK

23%

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИК
ШОДИЁНАСИ БИЛАН БАРЧА
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Азиз ва ягона, жонажон Ўзбекистонимизнинг
гуллаб яшнаши, унинг фаровонлиги йўлида
Сизларни куч-қувват ҳеч қачон тарк этмасин!

Юртимиз доимо тинч, хонадонларимиз
хотиржам, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!

(71) 200-00-55

XALQBANKINFO



WWW.XB.UZ

Мулоқот

«Халқ банки» халқ орасида

Тошкент вилояти Чиноз туманида Халқ банки бошқарув раиси иштирокида ўтган сайёр қабулда ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг бир қатор ечимини кутаётган муаммолари бартараф этилди.

Жумладан, Халқ банки мижози «Суюнов Хожидин» ЯТга йиллик 28 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 150 миллион сўм кредит маблағи ажратиб бериш тўғрисидаги мурожаати ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Халқ банки Дўстобод филиали мижози ХК «Юсупов Фахриддин» Пойабзал ва тикувчиликни ривожлантириш учун 200 кишидан иборат ишчи ўрни яратиш мақсадида 3 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилишида амалий ёрдам сўради. Мижозга ушбу масала тез кунларда ижобий ҳал этилиши ва тadbиркорлигини йўлга қўйиш учун барча шарт-шароитларни

яратиб беришда амалий ёрдам кўрсатилиши айтиб ўтилди.

Ана шундай сайёр қабуллардан яна бири Сирдарё вилояти Ховос туманида ҳам айнан банк бошқарув раиси иштирокида ўтказилди. Унда фуқароларнинг мурожаатлари ва муаммолари тингланди.

Ўз тadbиркорлигини йўлга қўйиш ёки банк билан боғлиқ муаммолари бўлган фуқароларга тавсия ва кўмак берилди. Хусусан, ЯТТ «Ибодуллаева Салима»га Халқ банкининг янги қурилаётган замонавий биносининг 3-қаватидан ўқув марказини очиш, унда тикувчилик, тўқувчилик, пазандачилик фаолиятларини ташкил этишда ижара тўловисиз фойдаланиш учун жой берилдиган бўлди.

— «Ҳар бир оила – тadbиркор» дастури бўйича Халқ банкидан кредит ажратишларини сўрадим, — дейди фуқаро Дониёр Тўрақулов. — Банк раҳбарияти мурожаатимни ижобий ҳал қилиб берилдиган бўлди. Уларнинг ёрдами билан энди оилавий бизнесимни бошлайман.

Ховос филиали мижози Тўрақулов Дониёрга «Ҳар бир оила – тadbиркор» Давлат дастури асосида товар ва хизматлар етказиб берилгандан сўнг, 30 миллион сўм 8 фоизли имтиёзли кредит ажратилдиган бўлди. Ховос туман ҳокимининг биринчи ўринбосари таъминотчи корхона билан биргаликда ушбу мурожаатга масъул этиб белгиланди.

Банк раҳбари иштирокидаги бу каби сайёр қабуллар жойларда давом этмоқда.

Халқ банки
Ахборот хизмати

ЭЪЛОН

АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар филиалига қарашли Яққасарой тумани Абдуллаев кўчаси 2 а-уй манзилидаги бинода қайта қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов предмети: Яққасарой тумани Абдуллаев кўчаси 2 а-уй манзилидаги бинода қайта қурилиш ишларини амалга ошириш.

Бошланғич нарх: 150000000 (бир юз эллик миллион) сўм. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Тошкент ш. Ш. Руставели кўчаси 9-уй.

Танлов иштирокчиларига қўйилдиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган техник шартлар бўйича ишларни бажариб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин.

Мурожаат учун: Г.Турсунова. Тел.: (+99871) 281-45-64; Танлов ҳужжатларининг тартиблари тўғрисидаги мурожаатлар шакли: Танлов ҳужжатларида келтирилган (ҳтпс://эхарид.узех.уз/уз/компетитиве/лот/9052985)

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охириги сана ва вақти: 2019 йил 31-август, соат 11:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

— танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

— тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойларининг муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

— танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши шарт;

— танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 100027, Тошкент ш. Ш. Руставели кўчаси 9-уй.



Юқори Чирчиқда давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.